

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХОЛИҚОВ АЗИЗБЕК АЛИМУРОДОВИЧ**

**ПАСТКИ ЖАҒ СИНИШЛАРИНИ ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Холиқов Азизбек Алимуродович**

Пастки жағ синишларини ташҳислаш ва даволаш усулларини  
такомиллаштириш..... 3

**Холиков Азизбек Алимуродович**

Совершенствование диагностики и лечения переломов нижней  
челюсти ..... 23

**Kholiqov Azizbek Alimurodovich**

Improvement of diagnostics and treatment of lower jaw fractures ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХОЛИҚОВ АЗИЗБЕК АЛИМУРОДОВИЧ**

**ПАСТКИ ЖАҒ СИНИШЛАРИНИ ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib1443 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида [www.sammi.uz](http://www.sammi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Дусмухаммедов Дилшод Махмуджанович.**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

**Расмий оппонентлар:**

**Шомуродов Қахрамон Эркинович.**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

**Рахматова Мукаддас Холтосевна.**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

**Етакчи ташкилот:**

**Тоқан тиббиёт маркази(Япония)**

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: [sammi@sammi.uz](mailto:sammi@sammi.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурсмарказида танишиш мумкин (4078) рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: : 140100, Самарқанд ш., Амир темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366)).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(202\_йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**Ж. А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

**Г.У.Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**К.Э.Шомуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент.

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD)аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** ЖССТ маълумотларига кўра, «... юз скелети суяк жароҳатлари бутун тана скелети жароҳатларининг 3%ини ташкил этади. Бош, юз-жағ соҳаси суяк жароҳатларининг 80%ини пастки жағ синишлари ташкил этади. Европа давлатларида пастки жағ синишлари 73 % ни АҚШ да 76,5 %, Россия Федерациясида 71%ни...»<sup>1</sup>. Бугунги кунда жаҳонда пастки жағ нуқсонли синишлари натижасида юзага келадиган асоратларнинг олдини олиш мақсадида юз-жағ жароҳлиги амалиётида шикастланишларни тўлиқ ва тўғри ташҳислаш, даволашнинг замонавий усуллари кўллаб жароҳатдан кейинги нуқсонларнинг юзага келиши ва кутилиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Пастки жағ шикастланишларини ташҳислаш ва даволашнинг замонавий усуллари амалиётга жорий этилишига қарамасдан жароҳатдан кейинги пастки жағ нуқсонларининг сақланиб қолиши унинг натижасида эстетик ва косметик етишмовчилик, анатомик ва функционал бузилиш, даволанишнинг бир неча босқичларда давом этиши беморнинг нафақат асаб-руҳий ҳолатига, балки узоқ муддатга меҳнат фаолиятининг йўқотилишига сабаб бўлади. Пастки жағ шикастланишларини 3D рентген нурларида, компьютер томография, ортопонтотограмма ёрдамида параметрларни ўрганиб, пастки жағ синишларида нуқсон соҳаси ва ўлчамини аниқлашга, суяк нуқсони соҳасига остеопластик препаратини кўллаб даволаш усуллари такомиллаштирилди.

Жаҳон миқёсида, тиббиётга пастки жағ шикастланишдан кейинги нуқсонлар ҳосил бўлишини олдини олиш, ташҳислаш ва даволашни такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Денситометрик ва КТ текширув натижаларини ҳисобга олган ҳолда ташҳислаш, даволашни режалаштириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни санаб ўтишимиз мумкин. Остеопластик материал кўллаш орқали пастки жағ нуқсонли синишларини даволаш орқали репаратив регенерация жараёни фаоллаштирилибгина қолмасдан, шикастланишдан кейинги кузатиладиган асоратларнинг олдини олишга ҳам эришилди.

Мамлакатимизда аҳоли орасида тиббий хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан пастки жағ нуқсонларини эстетик ва косметик етишмовчиликлари анатомик функционал бузилишларини бир-бирига узвий боғлиқлигини инобатга олган ҳолда ташҳислаш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар олиб борилмоқда, хусусан, стоматологик касалликларни даволаш ва асоратларини камайтириш, “Тиббий хизматнинг самарадорлиги, сифати ва фойдаланиш имкониятини ошириш, ёрдам бериш, соғлом турмуш тарзи ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усуллари, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини жорий этиш кабилар...” санаб ўтишимиз мумкин. Ушбу

---

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотида кўра 2017 й.

вазифалар замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳоли ўртасида стоматологик касалликларни ташхислаш, даволашда, замонавий технологиялардан фойдаланиш заруратини илмий изланишларнинг устувор йўналишларида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Замонавий жаҳон адабиётларида пастки жағ синишларида юзага келадиган нуқсонларни ташхислаш ва даволаш муаммолари маҳаллий ва ҳорижий олимларнинг ишларида ҳам ўз аксини топган. Даволаш усулларининг йиллар ўтиб мукамаллашгани, тиббиёт ва фармацевтикада тўқима инженерияси, регенерацияни стимулловчи препаратлар яратилганлигига қарамай ушбу шикастланишлар билан оғриган беморлар орасида турлича асоратлар келиб чиқиши ҳали ҳам ошиб бормоқда.

Даволашда халқаро стандарт меъёрларига амал қилинишига қарамай, турли хилдаги асоратлар 5,5% дан 41% гача; шундан пастки жағ синишлари 4% дан 11% гача нуқсонлар бўлиши таъкидланган (Красный А.Г.2000 й.; Дуфаш И.Х.,2003; Уварова А.Г. 2004; Малышев В.А., Кадыров М.Х. 2005 й.; Бельченко В.А., 2006 й.; Тельных Р.Ю. 2008й.; Магомедгаджиев Б.Г. 2008 й.; Benson P.D. 2006 й.; Ernes Y. 2009 й.; Самсонов В.В. Амро А. 2012 й.; Артюшкевич А.С. 2016 й.; Басин Е.М., Ш.Чжан 2018 й.).

Мамлакатимизда пастки жағ нуқсонларини даволаш, суяк тўқимаси бутунлигини тиклашда суяк материалларидан фойдаланиш билан боғлиқ бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган; жумладан “Пастки жағ нуқсонли синишларида беморларни реабилитацияси” (А.А.Махмудов) “Остеопластик материаллардан пастки жағ нуқсонларини бартараф этишда самарасини асослашга”( Н.Ю.Муратова), “Жағ суяклари нуқсонларини бартараф этишга хужайра технологияларидан самарали фойдаланиш”

(Н.В.Храмова) изланишларни санаб ўтишимиз мумкин. Юқоридаги амалга оширилган илмий тадқиқот ишларига қарамасдан бугунги кунгача мамлакатимизда пастки жағ синишларидан кейинги нуқсонлари бор беморларни даволаш тизими тўлиқ такомиллаштирилмаган.

Инсон саломатлиги билан боғлиқ муаммони ечишга қаратилган ушбу иш бир қатор тадқиқот ва чора тадбирлар бажаралишини талаб этади, натижада аксарият аҳоли саломатлиги яхшиланишига эришилади. Бу эса мазкур диссертация ишини Ўзбекистон Республикаси илмий тадқиқот ишларининг устувор тизимларига мувофиқ тарзда бажарилишига хизмат қилади.

**Диссертация мазусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 0120000260 «Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон организми касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги хўжалик илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пастки жағ синишлари бўлган беморларда ташхислашнинг самарали усуллари қўллаш ва даволашда остеопластик материаллардан фойдаланиб операцияни такомиллаштириш бўйича таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

пастки жағ синишларида ҳосил бўлган нуқсон соҳасига остеопластик материални қўллашга кўрсатмаларни аниқлаш;

пастки жағ синишларида ҳосил бўлган нуқсон соҳасига остеопластик материалларни қўллаб ўтказилган остеосинтез операциясини эрта ва узоқ муддатдаги натижаларини рентгенологик, денситометрик жиҳатдан баҳолаш;

тажриба хайвонларида сунъий ҳосил қилинган пастки жағ синишида, синган соҳада нуқсонларни бартараф этишда “OSTEON™ II Collagen” остеопластик препаратини қўллаб, самарадорлигини асослаш;

пастки жағ синишларида ҳосил бўлган нуқсонларни бартараф этишда қўлланилган “OSTEON™ II Collagen” остеопластик материалининг самарали натижаларига асосланиб операция стандарти ва протоколини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳар 7-сон клиник шифохонаси юз-жағ жарроҳлиги бўлимида текширувдан ўтган ва даволанган 117 нафар беморлар ва ТДСИ лабораториясида 30 та тажриба қуёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** пастки жағ синишларидаги нуқсонлар соҳасидаги ва беморларнинг динамикада 3D, КТ, ортопонтотограмма суратлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, стоматологик, рентгенологик, денситометрик, экспериментал, морфологик, ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пастки жағ суяги синишларида репаратив регенерация жараёнларининг нуқсонли синишлардаги патогенетик ўзгаришларига асосланиб, натижада суякда нуқсон ҳосил бўлиши бартараф этилганлиги исботланган;

тажриба хайвонларида остеопластик препаратни жағ нуқсон соҳасига қўйилганда суяк юзасига остеобластларнинг жадаллик билан ёпишиши ва коллаген толалардан иборат суякланиш қатлами шаклланиши, қатлам сўрилиб модда орасига қон томирларнинг кириб бориши жадаллашуви ва суякланиш жараёни тезлашгани морфологик аниқланган;

жағ суяклари нуқсонли синишида умум қабул қилинган даволашда, суяклар нуқсон соҳасида, атроф юмшоқ тўқималари ўсиб кириши натижасида минераллашув ва остеорепарация жараёнларига салбий таъсири қилиши кузатилган;

пастки жағ суягини синиқ соҳасига остеопластик материал қўллаш стандарти ва протоколи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пастки жағ синишларида ҳосил бўлган нуқсонни тиклашда “OSTEON™ II Collagen” препаратини остеопластик материал сифатида қўлланилиш кўрсатилган;

таклиф этилган остеосинтез операциясида остеопластик материални қўллаш юз-жағ жарроҳлиги амалиётида суяк тўқималари нуқсонларини қоплашда самарадорлиги аниқланган;

тажриба қуёнларидаги пастки жағ нуқсонини остеопластик материал билан тўлдирилган ва препарат қўлланмаган ҳолларда суяк тўқимаси тикланиш динамикаси аниқланган;

пастки жағ нуқсонли синишлари мавжуд беморларда операциянинг умумқабул қилинган жарроҳлик йўли билан даволанганда пастки жағ функционал бузилиши ва оқма яралар юзага келиши исботланган.

**Тадқиқот илмий натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган замонавий услублар ва ёндашувларнинг тўғрилиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мувофиқлиги, ўтказилган текширувларнинг аниқлиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тиббий-статистик материалларнинг клиник, инструментал, функционал, тажрибада, морфологик, жарроҳлик ва статистик усуллар ҳамда натижалари билан шунингдек натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар фикрлари билан таққосланганлиги, хулосалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор пастки жағнинг синишида ҳосил бўлган суяк нуқсонларини тиклаш имкониятлари тажрибада остеопластик материаллари ёрдамида тиклаш асосланди ҳамда остеопластик материаллар ёрдамида синган суяк нуқсонларини бир-бирига ёпиштириш, репаратив жараённи рағбатлантириш, қон томир тизимида фаолиятни яхшиланиш билан боғлиқлигини кўрсатиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пастки жағнинг синишида



ҳосил бўлган нуқсонда қўлланилган остеопластик материал сифатида юз-жағ жаррохлигида суякдаги нуқсонларни бартараф қилишда юқори самара бериши, нафақат юз-жағ жаррохлиги, балки травматология, нейрожаррохликда суяк нуқсонларини бартараф этишда фойдаланиш имкониятини илмий – амалий томондан асослаб берди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пастки жағ синишларини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришни баҳолашилмий тадқиқот натижалари асосида:

пастки жағ синишида ҳосил бўладиган нуқсонларни олдини олиш ва уларни даволашда суяк ўрнини босувчи, остеорегенаторлик хусусиятига эга бўлган “Osteon<sup>TM</sup> II Collagen” юз- жағ жаррохлиги соҳасига тадбиқ этилиши бўйича ва олинган илмий натижалар асосида “Хирургическое лечение перелома нижней челюсти с применением костного материала” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23-ноябрдаги 8н-р/450-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома турли эстетик ва функционал етишмовчиликга олиб келадиган ва суяк регенерациясини секинлашишига сабаб бўладиган турли ўлчамдаги пастки жағ соҳасидаги жароҳатланишдан кейинги суяк нуқсонларини даволашда замонавий суяк материали ҳисобланган “Osteon<sup>TM</sup> II Collagen” қўлланилган ҳолларда жараённинг ижобий томонга силжишига имкон берган;

такомиллашган даволаш усулини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида “Современные аспекты лечение переломов нижней челюсти” услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23-ноябрдаги 8н/451-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома 2009-2019 йиллар давомида олиб борилган изланишларга, статистик текширувлга асосланиб пастки жағ синишларидан кейин ҳосил бўладиган нуқсонларни даволашнинг усулларини янада такомиллаштириш, беморлар реабилитациясини яхшилаш имконини берган;

Остеопластик материал қўлланилганда суяк регенерациясини фаоллашишини Ўзбекистон Республикаси ССВ Тошкент Тиббиёт Академияси кўп тармоқли тиббиёт клиникаси ва Ўзбекистон Республикаси ССВ Тошкент Давлат Стоматология Институтини клиникаси беморларини даволаш фаолиятига тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 24-ноябрдаги 8н-д/193-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши натижасида пастки жағ синишларида нуқсон ҳосил бўлишини олдини олиш, беморлар даволаш сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та

мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг таркиби ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва қисқартмаларданиборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

**Кириш қисмида** юз-жағ соҳаси турли шикастланишлардан кейин остеорегенерация жараёнини такомиллаштиришнинг долзарблигига асосланган, мақсад ва вазифалар аниқ шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметига тавсиф берилган, шикастланишларни даволаш йўналишида илмий янгилиги аниқланган ва тадқиқотнинг амалий натижалари кўрсатилган, иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, мавзу бўйича чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Пастки жағ синишлари муаммоларига замонавий қарашлар”** деб номланган биринчи бобида чет эл ва юртимиз адабиётларида пастки жағ синишларини даволаш усуллари, ундан кейин юзага келиши мумкин бўлган асоратлар профилактикаси, синиқ соҳаси суяк соҳаси регенерацияси ва юз-жағ соҳасида қўлланиладиган турли трансплантатлар, замонавий остеорегенерацияни стимулловчи остеопластик материалларнинг турли афзаллик ва камчиликлари ва қўллаш бўйича замонавий тасаввурга оид саволлар очиб берилган.

Клиник тадқиқотлар 117 нафар пастки жағ синишларида нуқсон ҳосил бўлиши билан бўлган 18–60 ёшли беморларда ўтказилди, улардан 18-25 ёшдагилар 57та, 26-40 ёшдагилар 42та, 41-60 ёшдагилар 18 тани ташкил этиб, уларнинг 109 нафари эркаклар ва 8 нафари аёлдир. Пастки жағ синишларида ҳосил бўлган нуқсонни бартараф қилишда "Osteon™II Collagen"ни қўллаш самарадорлигини баҳолаш учун асосий ва назорат гуруҳлари шакллантирилди. Асосий гуруҳдаги беморларда, 79 нафарида операция вақтида суяк нуқсони соҳаси "Osteon™II Collagen" билан тўлдирилди. Назорат гуруҳига айнан шундай операция ўтказилган беморлар киритилган бўлиб, уларда асосий гуруҳдан фарқли равишда "Osteon™II Collagen" қўлланилмади. Гуруҳдаги беморлар сони 38 нафарни ташкил этди. Текширилган беморлар ёши ва жинс бўйича кўрсаткичлар 1, 2 диаграммаларда ифода этилган.

**Диаграмма 1. Беморларнинг жинси бўйича кўрсаткичлари.**



**Диаграмма 2. Беморларнинг ёши буйича кўрсаткичи.**



Операция олди тайёргарлик. Операциядан олдин текширув стандарт схема бўйича ўтказилди, шу жумладан шикоятларни аниқлаштириш, анамнезни йиғиш, шу билан бирга келадиган патология ёки остеорепарация жараёнларига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа омиллар олиб борилди.

Беморларни операцияга тайёрлашда умумий клиник текширув ўтказилди, қон ва сийдик таҳлиллари йиғилди. Рентген текшируви ўтказилди, суяк нуқсоникатталиги ва табиати аниқланди, даволаш режаси тузилди. Жарроҳликдан олдин беморларга амалиётнинг моҳияти ва мақсади, операция ва ундан кейин юз бериши мумкин бўлган асоратлар тўғрисида маълумот берилди.

Операциядан олдинги даврда яллиғланишга қарши ва антибактериал терапия, антибактериал воситаларнинг профилактик дозаларини қўллаш киради. Операциядан 30 дақиқа олдин барча гуруҳларнинг беморлари мушак ичига инъекция усулини ўз ичига олган стандарт премедикация ўтказдилар: Димедрол 1% -1мл; Аналгин 50% -2 мл (кеторолак 1,0мл);

Пастки жағ суяк синишларини даволашда остеосинтез операцияси усули. Эндотрахеал наркоз остида, операция майдонини антисептик ишлов берилгандан сўнг, синиш жойига ва хусусиятларига қараб, пастки жағ бурчагини айланиб ўтувчи, пастки жағ пастки қиррасидан 2 см пастдан, даҳан ва тана соҳаларида жойлашган синиқ чизиқлари оғиз ичидан қилинган кесимлар орқали амалга оширилди. Юмшоқ тўқималар тўмтоқ ва ўткир йўллар билан ўтилиб, синиш чизигича борилди, суяк бўлаклари мускуллардан ажратилди. Синган суяк ёриғи қайта кўриб чиқилди, суякнинг майда қисмлари ва қон лахтаклари олиб ташланди, интерпозиция ҳолатидан чиқарилди.

Жароҳатга антисептиклар билан ишлов берилди. Суяк бўлаклари физиологик ҳолатда тикланди, репозиция қилинди, титан минипластинка ва микровинт ёрдамида фрагментлар фиксация қилинди. Беморларнинг гуруҳига қараб суякматериали синиқ соҳасига қўлланилди. Остеопластик материал “Osteon™ II Collagen” ўзи таркибидаги коллаген қон билан

бирикканда, эластик масса ҳосил қилиши ва ўз шаклини анча вақт сақлаб қолишини инобатга олган ҳолда, препарат қўйилган сохага турли хил коллаген мембраналар қўлланилмади ва суяк нуқсони соҳаси анатомик шаклини айнан тиклашга эришилди.(1, 2, 3, 4, расмлар.)



Расм 1.



Расм 2.



Расм 3.



Расм 4.

Клиник қисм натижаларини баҳолаш усуллари даволаш натижаларини субъектив баҳолашни ўрганиш. Умумий клиник усул операциядан кейинги даврни барча ўрганилган гуруҳларнинг беморларида баҳолаш учун объектив ва субъектив характердаги энг муҳим маълумотлар акс этган баённома тузилди. Баённома ҳар куни, беморларнинг касалхонада бўлган бутун даволаниш даври давомида тўлдирилди. Эрталабки кўрик пайтида беморларнинг шикоятлари, умумий ва маҳаллий ҳолатлари аниқланди.

Барча беморларга операциядан аввал SIEMENS (Япония)компютер томографида ва операциядан сўнг 1 ой, 6 ой, 12 ой, беморларни нейтрал ҳолатидаги аксиал проекцияда кўп қатламли компьютер томография текшируви ўтказилди. Компьютер томографиянинг дастурий таъминоти бўйича пастки жағ синишларида ҳосил бўлган нуқсон ҳажми таҳлил қилинди.

Янги пайдо бўлган суяк тўқимаси зичлиги ўлчаш учун PaX-i3D Vatech Global (Ю.Корея)ускунасида ортопантомограф текшируви ўтказилди.Пастки жағда операциясидан кейин ҳосил бўлаётган суяк зичлигиниImage J (Wayne Rasband. National Institute of Health, USA) дастури ёрдамида персонал компьютерда, рақамли тасвирларни таҳлилқилиб, денситометрик ўлчовлар ўтказилди. Янги ҳосил бўлган суяк соҳаси ва атрофдаги суяк орасидаги ўртача пикселлар ёруғлик кўрсаткичларини операциядан олдин ва 3,6,12 ойдан сўнг текширилди.

“ImageJ” дастури турли вақт оралиғида бажарилган ортопантограммаларнинг денситометрик таҳлиллари учун мўлжалланган, аниқланган суяк зичлиги ўзгариши ёки регрессия мезонларини ўрганади.

Рақамлаштирилган тасвирлардарангни конвертация қилишнинг маълум усули мавжуд, шу жумладан Windows операцион тизимининг стандарт дастурларидан бири масалан, PAINT ёрдамида, бажариш мумкин.

Ҳар қандай расмни 256 дан паст ранглар палитраси бўлса, “bmp” ёки “jpeg” форматида очиш ва сақлаш мумкин. Шундай қилиб, дастурни ишга туширгандан сўнг, керакли расм юкланади. Пастки жағнинг қуйидаги муддатлардаги: операциядан кейин 1 кун, 30 кундан, 3 ойдан ва 6 ойдан 12 ойдан кейинги тасвирлар ўлчанади.

Сифат ва миқдорий корреляциясини олиш учун оптик кўрсаткичлар қуйидагича ҳисобланади. Суяк зичлиги кулранг шкалада 0 дан 256 гача (бутунсонлар) бутун сонларда аниқланади. Кулранг шкалада ноль (0 - қора) рентген нуруни ўтказиб юборилишини тавсифлайди ва (255) – юқори чегара (оқ) нуруни ютилишига мос келади. Ёрқинлик фарқлари сон оралиғининг кўрсаткичлар ўзгариши билан ифодаланади.

Расм юклангандан сўнг ўрганиладиган соҳани аниқлаб олиш керак. Бунинг учун рентгенограмманинг ўлчамларини мослаштириш керак бўлиши мумкин. Синиқ чизиғи соҳасидаги деффект чегарасидан ошмаган холда 3 ёки 4 та нуқта белгиланади.

Нуқталар белгилангандан сўнг “Ctrl+M” тугмалари босилганда деффект соҳасидаги маълум бир нуқтага тегишли бўлган қиймат кўрсатилган янги ойна очилади.

IntDens кўрсаткичи суяк оптик зичлигига мос келувчи кўрсаткичлар аниқлаб олинади. Шу тариқа суяк зичлиги аниқлаб олинади.

Клиник тадқиқотлар натижалари. Ҳайвонларнинг ҳолати эксперимент давомида, эксперимент кунидан бошлаб 14-кунларга қадар давомида кузатилди. Экспериментнинг клиник натижалари қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланди: ҳаракатланиш фаоллиги, овқат истеъмол қилиш, суюқлик истеъмол қилиш, тана ҳарорати, тикувнинг туриши, шиш, гиперемия, палпация пайтида оғриқ, тана вазни.

Даволашнинг самарадорлиги операциядан кейинги давр курсларини, шунингдек асосий ва назорат гуруҳидаги инструментал текшириш натижаларини баҳолаш орқали аниқланди. Даволаш натижаларини баҳолаш операция қилинган кундан бошлаб бир йил ичида амалга оширилди. Суяк тўқимасини регенерацияси ва сўрилиш тезлиги, беморларнинг шикоятлари ва такрорий ташрифларида таҳлил қилинди.

Шундай қилиб, 2009 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда, 7-сон шаҳар клиник шифохонасига пастки жағ синиши билан даволанган 1301 нафар бемор текширилди ва даволанди. Шуларнинг орасидан 117 таси илмий изланиш учун ажратиб олинди. Беморларнинг 79 тасида синиқ соҳасида турли ўлчамдаги суяк нуқсонлари юзага келгани сабабли икки гуруҳга ажратилди, биринчи-асосий гуруҳга синиқ соҳасига “Osteon™II Collagen” ва

иккинчи-назорат гуруҳига остеопластик материал қўймасдан репозиция-остеосинтез операциялари ўтказилди.

Денситометрик текширув кўрсаткичлари. Беморларнинг суяк нуқсони соҳасидаги регенерация жараёнларини аниқлаш учун тўқиманинг оптик нурни ютишига асосланиб Image J дастури асосида амалга оширилди. Беморлар операциядан олдин, операциядан кейинги 1-кун, 1 ой, 3 ой, бой ва 1 йил давомидаги ортопонтотографиялари ўрганилди. “Image J” орқали ўрганилганда соғлом суяк кортикал пластинканинг оптик зичлиги 170 гача ғовак суяк оптик зичлиги 140 атрофида бўлиши кузатилди. Операция ўтказилган соҳада суяк регенерацияси бошланиши  $40 \pm 5$  бирликдан  $165 \pm 5$  гача ташкил этди.

Операциядан олдинги кўрсаткичлар. Операциядан олдин иккала гуруҳ беморларида оптик нурни ўтказиш кўрсаткичи деярли бир хил кўрсаткичларга эга бўлди. Нуқсон соҳасида 5 нуқта: битта марказий ва соат стрелкаси бўлаб 12, 4, 8 соҳасидаги нуқталар ўлчаб кўрилди. Энг пастки кўрсаткич 25 бирликни юқори кўрсаткич 45 бирликни ташкил этди. (Жадвал 1)

**Жадвал 1.**

**Операциядан олдинги денситометрик кўрсаткичлар.**

	Асосий гуруҳ n=79			Назорат гуруҳи n=38		
	Ўртача кўрсаткич	Энг паст кўрсаткич	Энг юқори кўрсаткич	Ўртача кўрсаткич	Энг паст кўрсаткич	Энг юқори кўрсаткич
1 нуқта	$38 \pm 5$	25	38	$39 \pm 5$	25	39
2 нуқта	$42 \pm 5$	25	30	$42 \pm 5$	23	31
3 нуқта	$42 \pm 6$	30	48	$38 \pm 6$	32	45
4 нуқта	$39 \pm 5$	26	40	$42 \pm 5$	26	39
Ўртча денситометрик кўрсаткич	$40.2 \pm 5$			$40.3 \pm 5$		

Операциядан 1 кундан кейин. Беморларда операциядан кейинги остеопластик материал қўлланилмаганда тўртта нуқта ўлчанганда энг паст кўрсаткич 25 энг юқори кўрсаткич 40 ни ташкил этди умумий ўртача кўрсаткич 40. Асосий гуруҳ беморларида нуқсон соҳасида қўлланилган “Osteon<sup>TM</sup> II Collagen” соҳасида тўртта нуқта ўлчанганда назорат гуруҳидан фаркли равишда энг паст кўрсаткич 40 энг юқори кўрсаткич 55 ни ташкил этди. (Жадвал 2)

**Жадвал 2**

**Операциядан 1 кундан кейинги денситометрик кўрсаткичлар.**

	Асосий гуруҳ n=79			Назорат гуруҳи n=38		
	Ўртача кўрсаткич	Энг паст кўрсаткич	Энг юқори кўрсаткич	Ўртача кўрсаткич	Энг паст кўрсаткич	Энг юқори кўрсаткич
1 нуқта	$48 \pm 5$	40	49	$38 \pm 5$	25	39
2 нуқта	$50 \pm 5$	42	50	$43 \pm 5$	26	31
3 нуқта	$49 \pm 6$	43	51	$39 \pm 6$	28	42
4 нуқта	$52 \pm 5$	41	51	$41 \pm 5$	26	39
Ўртча кўрсаткич	$50 \pm 5$			$40 \pm 5$		

### Операциядан бир ойдан сўнгги текширув натижалари.

Беморларда операциядан кейинги остеопластик материал қўлланилмаганда тўртта нуқта ўлчанганда энг паст кўрсаткич 35 энг юқори кўрсаткич 50 ни ташкил этиб, умумий ўртача кўрсаткич  $45 \pm 5$ . Асосий гуруҳ беморларда нуқсон соҳасида қўлланилган “Osteon™ II Collagen” соҳасида тўртта нуқта ўлчанганда назорат гуруҳидан фарқли равишда энг паст кўрсаткич 65 энг юқори кўрсаткич 80 ни ташкил этди ўртача умумий кўрсаткич 76 бирликли ташкил этди. (Жадвал 3. Диаграмма 3)


**Жадвал 3.**

### Операциядан 1 ойдан кейинги денситометрик кўрсаткичлар.

	Асосий гуруҳ n=79			Назорат гуруҳи n=38		
	Ўртача кўрсаткич	Энг паст кўрсаткич	Энг юқори кўрсаткич	Ўртача кўрсаткич	Энг паст кўрсаткич	Энг юқори кўрсаткич
1 нуқта	$68 \pm 5$	65	69	$46 \pm 5$	35	45
2 нуқта	$73 \pm 5$	69	76	$43 \pm 5$	41	50
3 нуқта	$70 \pm 6$	66	67	$41 \pm 6$	40	54
4 нуқта	$69 \pm 5$	67	71	$45 \pm 5$	38	49
Ўртача денситометрик кўрсаткич	$70 \pm 5$			$45 \pm 5$		

**Диаграмма 3.**

### 1 ойдан сўнг денситометрик ўзгаришларнинг ўртача кўрсаткичи.



### Операциядан уч ойдан сўнгги текширув натижалари.

Уч ойдан кейинги текширувларда суяк нуқсони соҳасига қўйилган остеопластик материал регенерация жараёнини жадаллаштираётгани кўзга кўринарли натижаларни кўрсатди. Операциядан кейинги асосий гуруҳ беморларида нуқсон соҳасида юқорида таъкидланган нуқталар оптик зичлиги

аниқланганда энг паст кўрсаткич 75, энг юқори кўрсаткич 97 ни ташкил этди ва ўртача умумий кўрсаткич 90 бирликли ташкил этди. Остеопластик материал қўлланилмаганда юқоридаги кўрсаткичларга мос равишда қуйидаги натижалар билан фарқ қилди 45, 60, 55. (Жадвал 4)

**Жадвал 4**

**Операциядан 3 ойдан кейинги денситометрик кўрсаткичлар.**

	Асосий гуруҳ n=79			Назорат гуруҳи n=38		
	Ўртача кўрсаткич	Энг паст кўрсаткич	Энг юқори кўрсаткич	Ўртача кўрсаткич	Энг паст кўрсаткич	Энг юқори кўрсаткич
1 нукта	89±5	75	90	56±5	45	59
2 нукта	91±5	69	97	53±5	41	60
3 нукта	91±6	66	89	56±6	40	54
4 нукта	89±5	67	89	55±5	48	59
Ўртча денситометрик кўрсаткич	90±5			55±5		

**Операциядан олти ойдан сўнги текширув натижалари.**

Пастки жағдаги суяк синиқ соҳасидаги нуксонга қўйилган остеопластик материал регенерация жараёнига таъсирини кузатишнинг олтинчи ойида, қўлланилган “Osteon™ II Collagen” юқорида таъкидланган 4 нукталар оптик зичлиги аниқланганда энг паст кўрсаткич 100, энг юқори кўрсаткич 125 ни ташкил этди ва ўртача умумий кўрсаткич 110 бирликли ташкил этди. Назорат гуруҳининг беморларида ўзгаришлар энг паст кўрсаткич 60, энг юқори кўрсаткич 70 ни ташкил этди ва ўртача умумий кўрсаткич 65 бирликли ташкил этди. Назорат гуруҳининг беморларида ўзгаришлар. (Жадвал 5)

**Жадвал 5**

**Операциядан 6 ойдан кейинги денситометрик кўрсаткичлар.**

	Асосий гуруҳ n=79			Назорат гуруҳи n=38		
	Ўртача кўрсаткич	Энг паст кўрсаткич	Энг юқори кўрсаткич	Ўртача кўрсаткич	Энг паст кўрсаткич	Энг юқори кўрсаткич
1 нукта	109±5	100	110	64±5	60	62
2 нукта	115±5	112	125	66±5	65	70
3 нукта	119±6	119	122	63±6	62	66
4 нукта	120±5	105	109	67±5	63	66
Ўртча денситометрик кўрсаткич	110±5			65±5		

**Операциядан ўн икки ойдан сўнги текширув натижалари.**

Асосий гуруҳ беморларида бир йилдан кейинги текширувлар натижасида нуксон соҳасидаги турли нукталар оптик зичлиги аниқланганда энг паст кўрсаткич 150, энг юқори кўрсаткич 180 ни ташкил этди ва ўртача умумий кўрсаткич ўртача 160 бирликли ташкил этди. Атроф суяк тўқималар



билан таққосланганда айрим соҳаларда кортикал пластинка соҳасида 165, ғовак тузилишли суякда  $155 \pm 5$  натижалар олинди. Назорат гуруҳида эса суяк нуқсонининг марказий қисмида  $70 \pm 5$  нуқсон атрофида эса  $80 \pm 5$  гача бўлган кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Рентгенологик текширувлар натижасида суяк материали қўлланилмаганда нуқсон соҳаси тўлиқ тикланмаслиги кузатилди. (Жадвал 6)


**Жадвал 6**

**Операциядан 12 ойдан кейинги денситометрик кўрсаткичлар.**

	Асосий гуруҳ n=79			Назорат гуруҳи n=38		
	Ўртача кўрсаткич	Энг паст кўрсаткич	Энг юқори кўрсаткич	Ўртача кўрсаткич	Энг паст кўрсаткич	Энг юқори кўрсаткич
1 нуқта	$168 \pm 5$	150	170	$71 \pm 5$	66	72
2 нуқта	$165 \pm 5$	160	180	$73 \pm 5$	65	80
3 нуқта	$162 \pm 6$	150	160	$69 \pm 6$	66	73
4 нуқта	$163 \pm 5$	154	160	$69 \pm 5$	67	71
Ўртача кўрсаткич	$160 \pm 5$			$70 \pm 5$		

**Диаграмма 4.**

**Денситометрик кўрсаткичларнинг динамикада ўзгариши.**



Диссертациянинг “**Ҳайвонлар пастки жағидан нуқсон ҳосил қилиш ва остеопластик материал фойдаланилган усуллар тавсифи**” деб номланган учинчи бобида ҳайвонларда ўтказилган тажрибалар ва қўлланилган усуллари баёнқилинган.

Илмий изланишнинг тажриба қисми Тошкент Давлат стоматология институтининг академик К.А.Зуфаров номидаги “Гистология ва тиббий биология” кафедраси лабораториясида ҳамкорликда амалга оширилди.

Илмий изланишнинг тажрибавий – морфологик қисмида бошланғич тана оғирлиги 3.5 кг бўлган Шиншилла зотли 30 тажриба дона вояга етган лаборатория қуёнларидан фойдаланилди.

Остеопластик материал қўлланилиши, самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба хайвонлар иикки гуруҳга ажрати болинди.

1- гуруҳ (15 та қуён), пастки жағ суягида сунъий йўл билан деффект ҳосил қилиниб, остеопластик материал “Osteon<sup>TM</sup> II Collagen” қўлланилган гуруҳ. 2 – гуруҳ (15 та қуён) остеопластик материал қўлланилмаган, пастки жағида деффект ҳосил қилинган гуруҳ.


### **Тажриба баённомаси**

Умумий оғриқсизлантириш ветеринар анестезиолог билан ҳамкорликда ветеринарияда қўллаш учун махсус препарат Прометар (Кселанит) 0.1 мл 1 кг тана вазнига мос равишда вена ичига юборилди. Оғриқсизлантириш дан сўнг хайвонлар пастки жағ пастки қиррасидан бурчак соҳасини айланувчи типик кесим қилинди, суяк ялонғочланди, деффект ҳосил қилинди.

Асосий гуруҳ учун танлаб ажратиб олинган тажриба қуёнлари пастки жағида ҳосил қилинган деффект соҳасига остеопластик материал “Osteon<sup>TM</sup> II Collagen” қўйилиб, назорат гуруҳидаги қуёнларда эса нуқсон соҳасига остеопластик материал қолдирилмаган ҳолатда яралар тикилди.

Тажриба амалиётидан сўнг уч ўлчамли 3D рентгенологик текширув ўтказилди.

Асосий гуруҳдаги жониворларнинг операция тамомланган кун асосий гуруҳ (5-расм) ва 60 кундан кейинги (6-расм), назорат гуруҳи мос равишда (7,8 расмлар) текширув натижалари.




**5-расм**



**6-расм**



7-расм



8-расм

Тажриба амалиётини тамомлаш босқичида, яъни хайвонларни амалиётдан чиқариш босқичи “Кселанит” препарати 100 мг миқдорда, юқори дозада бериш орқали амалга оширилди. Амалиётда нкейинги даврнинг 7-, 14- 21-, 30- ва 60 инчи кунлари қуёнлар тажрибадан чиқарилди.

Илмий изланишнинг экспериментал ҳамда клиник қисмида Дентиум компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “OSTEON™ II Collagen” препаратининг регенератор хусусиятлари вақўлланишнинг ўзига хослиги ўрганилди.

“Osteon™II Collagen” цилиндр шаклидаги ғовак тузилишли микро ва макро тешикчали остеоиндуктив ва остеокондуктив хусусиятли материалдир. Ишлаб чиқарувчининг баёнотига кўра ушбу материал кучли остеокондуктив потенциалга ва юқори мустаҳкамликка эга бўлган препаратдир. “Osteon™ II Collagen” материали юқорида таъкидланган сифатларни ўзида жамлаган оптимал маҳсулот саналади. Таркиби 30 % гидроксиапатит ва 70 %β-трикальций фосфат дан ташкил топган ксено материал асосидаги комбинацияланган суяк трансплантат. Тез сўрилмайдиган гидроксиапатит ва сўрилувчи β-трикальцийфосфат комбинацияланишнинг сабаби, β-трикальцийфосфат сўрилиб суяк регенерациясини бошлаб беради, гидроксиапатит шакли бир маромда узоқ вақт сақлаб туриб каркас вазифасини ўтайди. Ушбу материалнинг кимёвий таркиби инсон суяги кимёвий таркибига яқиндир.

LeeEU изланишларига кўра “Osteon™II Collagen” секин резорбцияга учраб суяк нуқсонлари соҳасида муайян бир хил жойни сақлаган холда жуда ҳам биологик жихатдан мос келувчи ва остеоиндуктив хусусиятларга эга. “Osteon™II Collagen” хусусиятлари ҳақида гап борар экан таркибида β-трикальций фосфат сақлагани учун юқори даражада сўрилиш, нуқсон соҳасида осон жамланади, юқори намланиш хусусияти бор. Заррачаларнинг ҳажми 200 мкм, ғоваклик даражаси 70% ташкил этади. Материалнинг саноат миқёсда 6x5 мм ва 5x10мм ли ғовак тузилишдаги цилиндр шаклида ўрамларда ишлаб чиқарилади.

“Osteon™ II Collagen” синтетик остеоиндуктив суяк трансплантат ҳисобланиб, 30% гидроксиапатит (НА) ва 70% β-трикальцийфосфатдан ташкил топган (β-ТСР). «Osteon™II Collagen» одам ғовак суяклари тузилишига ўхшаш бириккан тешикчали структурага эга. Гамма нурлатиш орқали стериллик амалга оширилади.


**Морфологик текширув натижалари** экспериментнинг 7-кунида назорат гуруҳи ҳайвонларида пастки жағ суягида сунъий равишда ҳосил бўлган нуқсон соҳасида суяк тўқималарининг репаратив регенерациясидинамикасини морфологик ўрганиш шуни кўрсатдики, нуқсон соҳасида қон қуйқаси билан тўлиши ва унинг атрофида унда бирламчи суяк тузилмалари ҳосил бўлган остеоген тўқима пайдо бўлиши кузатилади. Ушбу давр ичида остеопластик материал “Osteon<sup>TM</sup> II Collagen” қўлланилган нуқсон соҳасида препаратга атроф суяк тўқимадан қон томирлар ўсиб кириши ҳисобига, унинг юмшоқ ва ғовак тузилишга кириши кузатилади.

Тажрибанинг 14-кунида ҳайвонларнинг назорат гуруҳида қон лахтаги билан тўлган суяк нуқсони соҳасида тўр шаклида нозик бириктирувчи тўқима пайдо бўлади, фибробластлар толалари ва яқка томирлар орасида коллаген жойлашган. Суяк ҳосил бўлиш жараёни кузатилмайди. Экспериментал гуруҳ ҳайвонларида, ушбу тадқиқот даврида қон томирлари атрофида остеобластлар билан ўралган бирламчи суяк трабекулалари кузатилади. Трансплантат соҳаси суяк тўқима билан ўралган, тўсинлар оралиғи эндотелий билан қопланган қон томир ва остеобластлар билан тўлган.


Тажрибанинг 21-кунида назорат гуруҳида етилмаган суяк тўсинлари шаклидаги суякланиш зонаси топилди. Тўсин оралиқлари бўшлиқларида қон томирлари жойлашган, улар атрофида остеобластлар жойлашган. Тажрибанинг ушбу даврида ҳайвонларнинг асосий гуруҳида остеогенезнинг интенсив жараёни давом этмоқда. Суяк тўсинларикаттароқ бўлиб, қон томирлари атрофида ҳам учрайди. Қўйилган суяк материали ҳажми камайиши аниқланади

Экспериментнинг 30-кунида ҳайвонлар асосий гуруҳида остеогенезнинг жараёни назорат гуруҳига нисбатан анча ривожланганлиги аниқ кўринади. Остеопластик материал ўрнида аста-секин суяк тўқимаси билан алмашилиши кузатилади. Суяк нуқсони соҳаси нисбатан етилган суяк тўқимаси билан тўлдирилган, баъзи жойларда майин суяк пластинкалари шаклида компакт суяк шаклланиши аниқланган. Ушбу ҳолат назорат гуруҳида кузатилмайди.

Икки ойлик тажрибадан сўнг, назорат ҳайвонларида нуқсон соҳасида суяк пластинкалари ва суяк тўсинлари кузатилди. Баъзи жойларда суяк тўқимаси нозик суяк тўсинларига ўхшайди, баъзи жойларда ҳосил бўлган суяк пластинкаларига ўхшайди. Бу дағал толали суяк тўқимасини пластинка тўқималарига айланиш жараёнининг давом этишидан далолат беради (9-расм). Тажрибанинг асосий ҳайвонлар гуруҳида тадқиқотнинг ушбу даврида нуқсон соҳасида қўлланилган остеотрансплантат ўрнида пасткижағ учун ҳос бўлган пластинкали суяк тўқимаси шаклида суяк массаси ҳосил бўлди. Трансплантация майдони суяк тўқимаси билан бирлашган, аввалги нуқсон чегаралари аниқланмайди (10-расм).



**Расм.9. Тажрибадан 60 кундан сўнг (назорат). Суяк тўсинлари ва (қизил кўрсаткич) майин суяк пластинкалари навбатлашиб ҳосил бўлиши(сарик кўрсаткич). Гематоксилин-эозин. Масш:х.200**



**Расм.10. Тажрибадан 60 кундан сўнг (асосий). Ғовак бириктирувчи тўқима ва қон томирлар билан қопланган суяк пластинкаси. Гематоксилин-эозин. Масш.:х200**

Пастки жағ суяги тўқимасида сунъий равишда ҳосил бўлган нуқсонда таркиби композит суяк материалдан ва табиий (қорамол) I типдаги коллаген асосида яратилган остеопластик материал фойдалангандан сўнг суяк тўқималарининг регенерация жараёнининг жадаллашиши кузатилади. Таркибда коллаген борлиги материални юмшоқ ва ғоваклигини таъминлаб, операциянинг умумий вақтини қисқартиради, қўллашни енгиллаштиради. Суяк трансплантацияси остеобластларни фаоллаштириш орқали суяк трабекулалари юзасига бириктирилишининг яхши кўрсаткичларини кўрсатди, бу эса пластинкасимон суяк пластинкалари тузилиш қисмларини шакллантиришни тезлаштиради. Остеобластлар фаоллигининг ошиши ревазуляризация механизмини бошланиши, углеводлар, ўсиш омиллари, суякнинг оқсил ва минерал таркибий қисмлари секрециясининг кўпайиши билан аниқланади. Остеогенез жараёни тўғридан-тўғри *in vitro* ҳосил бўлган остеоген тўқима асосида амалга оширилди. Остеопластик материалнинг бундай хоссалари қисқа вақт ичида нуқсонни тўлиқ тикланишига имкон беради.

## ХУЛОСА

- Остеопластик материалнинг афзалликлари (“Osteon<sup>TM</sup> II Collagen” мисолида) суяк материали қўлланилганда суяк юзасига остеобластларнинг ёпишиши ва коллаген толалардан иборат суякланиш қатламининг шаклланиши, коллаген қатлам сўрилиб, модда орасига қон томирларнинг жадаллик билан кириб бориши, остеобластлар суякланиш жараёнини тезлаштириб, дастлаб дағал толали, сўнг пластинкасимон суяк шаклланади.

- Остеопластик материал Osteon<sup>TM</sup> II Collagen қўлланилиб ўтказилган операция 3 ойлик динамикасида нуқсон соҳасида суяк тўқимаси оропантомограммада суяк қадоқлари аниқланди. 6 ойдан сўнг нуқсон соҳасидаги суяк дўмбоқчалари. Рентгенологик текширувларнинг 12-ойида нуқсонни тўлиқ тикловчи регенерат пайдо бўлди ва у ўз тузилиши, зичлиги бўйича атрофдаги суяк тўқималарига яқинлиги аниқланди.

- Беморларда остеопластик материаллари қўлланилиб пастки жағнинг суяк синган нуқсон соҳасидаги остесинтез жараёни анъанавий усулдаги ўтказилган остесинтез операциясида нуқсон соҳасида денситометрик кўрсаткич операциядан кейин 1 кунда  $40 \pm 5$ , операциядан кейин 1 ойда  $45 \pm 5$ , 3 ойда  $55 \pm 5$ , 6 ойда  $65 \pm 5$ , 12 ойда  $75 \pm 5$  натижа қайд этилган бўлса, биз таклиф қилган Osteon<sup>TM</sup> II Collagen препаратини қўллашда остесинтез натижалари нуқсон соҳасида денситометрик кўрсаткич операциядан кейин 1 кунда  $50 \pm 5$  операциядан кейин 1 ойда  $70 \pm 5$ , 3 ойда  $90 \pm 5$ , 6 ойда  $110 \pm 5$ , 12 ойда  $160 \pm 5$  самарали натижаларда қайд этилди.

- Тажриба қуёнларида ҳосил қилинган жағ суягидаги синик ва нуқсон соҳаси остеопластик материал билан ёпилиши таъсирида 7-кунига келиб, таркибидаги коллаген хисобига эластик шаклга кириб суяк нуқсони барча соҳасини тўлдириши, 14-кунда қон томирлар материалга ўсиб кириши натижасида юмшаши ва ғовакланиши, 21 кунда суяк материали орасидаги қон томирлар атрофига суяк тўсинлари пайдо бўлади, 30 кунда суяк материалида ўсиб тарқалган қон томирлар атрофидаги суяк тўсинларидан концентрик суяк пластинкалари ривожланиши, 60 кунга келиб суяк материали орасидаги пайдо бўлган концентрик суяк пластинкалари пластинкасимон суяк тўқимага айланиши билан яқунланди.

- Пастки жағ синишларида ҳосил бўлган нуқсонни бартараф этишда ишлаб чиқилган остесинтез операцияси стандарти ва протоколи, остесинтез натижаларини яхшилашга имкон яратди. Анъанавий усулда нуқсон бартараф этилиши 12,8 фоизни, тавсия этилган усулда эса 88,73 фоизгача ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ХОЛИКОВ АЗИЗБЕК АЛИМУРОДОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ  
ПЕРЕЛОМОВ НИЖНЕЙ ЧЕЛЮСТИ**

**14.00.21- Стоматология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ КАНДИДАТА НАУК (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**САМАРКАНД 2021**

Тема кандидатской диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/Tib1443.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском институте

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tsdj.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz)

**Научный консультант:** Дусмухаммедов Дилшод Махмуджанович  
доктор медицинских наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Шамурадов Кахрамон Эркинович  
доктор медицинских наук, доцент

Рахматова Мукаддас Холтбоевна  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:** Медицинский центр Токаи (Япония)

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 при Самаркандском государственном медицинском институте (Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского института (зарегистрирован за № 40780) Адрес: Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66;

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).



**Ж. А. Ризаев**  
Председатель научного совета  
по присуждению учёной степени,  
доктор медицинских наук, профессор

**Г. У. Самиева**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
доктор медицинских наук, доцент

**К. Э. Шомуродов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёных степеней, доктор медицинских  
наук, доцент



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным ВОЗ, «... травмы костей лицевого скелета составляют около 3% травм всего скелета тела. Переломы нижней челюсти составляют 80% травм костей головы и челюстно-лицевой области. Переломы нижней челюсти в Европейских странах составляют 73%, в США-76,5%, в Российской Федерации-71%...»<sup>2</sup>. В современном мире в практике лицевой хирургии важно полностью и точно диагностировать травмы, предотвратить возникновение посттравматических дефектов и возможных осложнений с помощью современных методов лечения, чтобы не допустить осложнений от переломов нижней челюсти. Несмотря на внедрение в практику современных методов диагностики и лечения травм нижней челюсти, сохранность дефектов нижней челюсти после травм приводящие эстетические и косметические недостатки, анатомически и функциональные нарушения, продолжение лечения в несколько этапов приводит не только к нервно-психическому состоянию пациента, но и к потере трудоспособной активности в долгосрочном периоде. Усовершенствованы методы лечения травм нижней челюсти с помощью 3D-рентгена, компьютерной томографии, ортопантограммы для определения площади и размеров дефекта при переломах нижней челюсти, применения остеопластических препаратов в зоне дефектов костей.

Во всем мире в области медицины проводится обширные научно-практические исследования с целью улучшения профилактики, диагностики и лечения посттравматических дефектов нижней челюсти. Мы можем перечислить мероприятия, направленные на диагностику, планирование лечения и улучшение качества жизни с учетом результатов денситометрических и КТ-исследований. Использование остеопластического материала не только активировало процесс репаративной регенерации за счет лечения дефектных переломов нижней челюсти, но и предотвратило посттравматические осложнения.

В нашей стране необходимо адаптировать медицинское обслуживание населения к требованиям мировых стандартов, в том числе проводятся мероприятия, направленные на совершенствование диагностики и лечения дефектов нижней челюсти с учетом тесной взаимосвязи анатомических функциональных нарушений.

В нашей стране принимаются активные меры по развитию медицинской отрасли, в частности, по снижению стоматологических заболеваний и их осложнений, а также по оказанию квалифицированной медицинской помощи детям со стоматологическими заболеваниями, и ставится следующие задачи: «... эффективность, качество и доступность медицинских услуг. Для увеличения помощи здорового образа жизни и профилактики заболеваний, в том числе стандартизации медицинской системы, высоко технологические

---

<sup>2</sup> По данным ВОЗа 2017 г.

